

доц С.А.Мирзаева
магистр Л.Эрматова
талаба С.Холдарова

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда, ундан сифатли, юқори ҳосил олишда, айниқса зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда ўсимликларни турли касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб берди. Бундай тадбирлар ўтказилиши тахминан 30% қўшимча ҳосилни сақлаб қолиш имконини беради. Йилига дунё бўйича зарарли организмлар таъсирида деҳқончиликда олинаётган ҳосилнинг 40% ёки 300 млрд АҚШ долларига тенг маҳсулот йўқотилиши аниқланган. Олимларнинг ҳисобларига кўра зарарли организмларга қарши курашни ўз вақтида самарали ўтказиш орқали МДХ мамлакатларида ҳар йили 3 млн тонна сабзавот маҳсулотлари сақлаб қолинади.

Кейинги йилларда сабзавот экинларининг майдони кенгайиши, республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш структурасида рўй берган ўзгаришлар ҳамда баъзи бошқа омиллар йиллар мобайнида озиқланиш занжиридаги организмлар орасидаги ўзаро муносабатлар ва боғлиқликлар бузилишига, зарарли организмлар тур таркиби ўзгаришига, илгари ҳосилдорликка таъсири кам бўлган турларнинг зарари ошишига сабаб бўлмоқда.

Иссиқхона оққаноти *Trialeurodes vaporariorum* West. Homoptera туркуми Aleyrodidae оиласига мансуб хашоратдир. Оққанот ёзда иссиқхоналардан миграция қилиб очиқ далада кўпайиши натижасида иссиқхоналарга яқин бўлган жойларда ғўза ва сабзавот бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик экинларига кучли зарар келтирмоқда. Иссиқхона оққаноти ўтган асирнинг сўнгги 70- йилларидан бошлаб зарар келтира бошланганлиги аниқланган. Алейродидлар оиласини вакиллари. Ўзбекистон шароитида иссиқхона, ғўза ва цитрус оққанотлари кўпроқ зарар етказди. Иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporariorum* West.) ғўза, помидор, бодринг, баклажон, нўхат, кунгабоқар, тамаки ва бошқа кўпгина экинларни зарарлайди [1].

Олинган маълумотларга кўра, йилига бутун дунёда ўстирилаётган ўсимликлар ҳосилининг 35 % и нобуд бўлади, унинг 14 % и касаллик ва зарарли хашаротлар улушига тўғри келади. Бундан ташқари 20 % ҳосилни ташиш ва омборларда пайтида нобуд бўлади.

Юқори ва сифатли помидор ҳосили етиштиришни таъминлашнинг асосий шартларидан бири экинларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишдир.

Бунинг учун эса зараркунданнинг биологияси, ривожланиш фенологияси, зарари ва зараркунандага қарши самарали кураш чораларини ўрганиш мақсадида Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti issiqxona sharoitida Sh.T.Xo'jaev (2004) tahriri ostida nashr etilgan «Uslubiy ko'rsatmalar» va O'zO'XQITI uslublari bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borildi.

Tadqiqotlarimizda 2 variantda Admiral, 10% em.k. insektitsidini 0,5 l/ga, 3 variantda Kalipso, 48 % sus.k insektitsidini 0,15 l/ga issiqxona oqqanotga ta'siri o'rganildi. va tajribaning biologik samaradorligi Abbot (1925) formulasiga asosan aniqlandi. Jadvaldan ko'rinib turganidek, qo'llanilgan preparatdan 83,5 % biologik samaradorlikka erishildi.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хўжаев Ш.Т. “Ўсимликларни зараркунандалардан химоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари”. Тошкент 2014 й.
2. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид ва биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар//Тошкент.-2004.–Б.37-48.
3. Мирзаева, С. А. (2019). ФИТОФТОРОЗ И ЕГО СИМПТОМЫ. Научные горизонты, (1), 211-215.

1-jadval

ISSIQXONA OQQANOTI (*Trialeurodes vaporariorum* West) GA QARSHI QO'LLANILGAN KIMYOVIY KURASHNING BIOLOGIK SAMARADORLIGI

№	Variantlar	Preparat sarf-meyori, l/ga	Tekshirish muddati	Preparat qo'llanilgunga qadar oqqanot soni (1 bargda/dona)	Samaradorlik, % hisobida, kunlarga								O'rtacha biologik samaradorlik
					3		7		14		21		
					ZS	BS	ZS	BS	ZS	BS	ZS	BS	
1.	Nazorat	-	1.04	33,2	33,2	-	34,6	-	38,2	-	41,4	-	-
2.	Andoza - Admiral, 10% em.k	0,5	1.04	29,5	6,4	75,6	5,5	78,8	4,6	80,4	3,5	79,0	78,3
3.	Tajriba - Kalipso, 48 % sus.k	0,15	1.04	30,0	6,0	80,0	5,8	80,7	4,6	84,7	3,4	88,7	83,5

Izox: ZS – zararkunandalar soni, BS – biologik samaradorlik